

Сирожиддин Саидов

СЕВГИ МАМЛАКАТИ

Тошкент
Ғафур Гулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашрияти,
1987

Уз2
С21

С $\frac{4702570200-186}{M352(04)-87}$ Доп. 87

© Гафур Гулом номи-
даги Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1987 й.

НУТҚ

Фақат ёзиш керак!
Майда-чуйда савдолар эмас,
Ёзиш керак
 катта дард, ғамлар билан!
Фоний ўқинчларга қўл силташ керак!
Ёзиш керак фақат улкан аламлар билан!
Майдонларда кезиб юраркан
Ёзиб бориш керак қадамлар билан!
Одамларни тишламасдан нигоҳлар билан
Кўзлардан шеър яратиш керак!
Фақат ёзиш керак!
Шахсий бахтсизликлардан
Устун туриш керак ҳамиша!
Шеърый оҳлар тортмаслик керак!
Насалманд мисралар битмаслик керак!
Ҳайиқмаслик керак
Хато қилиб қўйишдан асло!
Владмир Маяковскийдек
Севгини ҳам,
 нафратни ҳам
Енгиб бориш керак!
Енгиб бориш керак!
Маяковский етолмаган баҳорга аммо
Сўзсиз
Етиб бориш керак!
Етиб бориш керак!
Фақат ёзиш керак!
Гуллар сўлса сўлар.

Йиллар ўтса ўтар.
Ўтмаслиги керак фақат бесамар!
Япроқлар устида мотам тутмасдан,
Саратон остида куйиб ўтаётган,
Ерни суйиб ўтаётган бир халқ ҳурмати,
Бир Ватан ҳурмати,
Ҳар битта сатрда

ёниш керак!

Ёниш керак!

Фақат ёниш керак!

Ёниш керак!

ИНҚИЛОБ ГУЛХАНЛАРИ

Замонлар ўзгаради.

Аскарлардай сатрлар.

Сизлар ёнгин эдингиз
Шоирлар, комиссарлар!
Сизлар ёнгин эдингиз,

Маяковский,

Блок.

Зулматларни ёндириб
Ўзлари ёнган бироқ.
Кўчалар томиридан

майдонларга исён — қон

оқар.

Сиз ёнмоқдасиз
Петроград, Туркистон.
Митинглар суронида

чайқалгандай кемада

Ленин бўрон улашар

одамларга,

оммага.

...Инқилоб гулханлари!
Шуълаланар ўйларим.
Саксонинчи йилларда

Мен сизларни ўйладим.
Асрим шундай ўтмади,
Гуриллаб ёниб ўтди.
Инқилобинг шуми, деб
кимлардир тониб ўтди.
Бироқ мен

ҳар қадамда
ўсиш, ўзгариш кўрдим,

Ҳар онг,

ҳар бир кўнгилда

Янги тўнтариш кўрдим.
«Чэлленжер»лар даврида,
Бошда осмон майдони,
Ақл-идрок,

заковат

билан яшаш осонми?!
Замин — Лениннинг ёруғ,

ярқираган манглайн.

Бу манглайга боқиб мен
кўп ҳикматни англадим,
Англадим:

ёнмоқ керак

Бутун умр,

тоабад.

Токи куйиб кул бўлсин
бюрократ қабоҳат.
Виждонларда уйғониш.
Йиртилди қанча ниқоб,
Бугун

ҳар бир ўзгариш,
янгилиниш — Инқилоб.

Мен дунёга номимни
 бунёд этгали келдим.
 Аввал ўзни йўқотиб,
 Сўнг ёд этгали келдим.
 Куйган саҳро ҳам ўзим,
 Тошқин дарё ҳам ўзим,
 Ишқдан адо ҳам ўзим,
 Фарёд этгали келдим.
 Саболар билан келдим,
 Садолар билан келдим,
 Ёш жонимда минг битта
 Савдолар билан келдим.
 Қатъий ниятлар билан,
 Даъволар билан келдим.
 Ҳар бир вайрона дилни
 Обод этгали келдим.

Бу соҳибжамолларни,
 Бўйнидаги холларни,
 Холларига термулиб
 ўтган неча онларни.
 Мана бу осмонларни,
 Бу шомларни, тонгларни,
 Ошиқнинг дилидай соф,
 Покиза замонларни
 Баёт этгали келдим.
 Ҳар неким хатоликдир,
 Разиллик, расволикдир,
 Ҳар неким ёмонликдир,
 Риёлик, ёлгонликдир,
 Барбод этгали келдим.
 Дунё ҳали шод бўлмай,

Тўнларни новвот бўлгай,
Мен дард чексам бу ҳаёт
Яна шан ҳаёт бўлгай.
Шу ҳаётни абадий
Ҳаёт этгали келдим.

ВЛАДИМИР ВИСОЦКИЙ

Дунёда байроқлар ҳар хил,
яроқлар ҳар хил,
Қўйиб берса бир-бирин ямлагай.
Мен эса бўғзимни йиртиб қуйладим:
«Севги мамлакати — буюк мамлакат!»

Дунёда — низолар.
Дунёда — зорлар.
Бир томони — лаънат.
Бир томон — лаҳад.
Мен эса кўксимни йиртиб қуйладим:
Севги мамлакати — буюк мамлакат.

Бунда посбон эрур дилларга диллар,
Бунда тайёрланмас ҳеч ким ҳамлага.
Ракеталар эмас,
бунда розлар бор:
Севги мамлакати — буюк мамлакат.

Замин — мўлжалларда турибди букун,
Замин — кимларгадир эрмак, самокат.
Ошиқларга беринг барча даштларни:
Севги мамлакати — буюк мамлакат.

Бунда мажлислар йўқ.
Бунда — нафаслар.
Нигоҳлар бор бунда.
Баёнотлар йўқ.

Юлдузлар қўл қўяр аҳдномаларга,
Темирлар музлаган коннотлар йўқ.
Севги мамлакати!

Сарҳадлар — бекор!
Дунё саҳнасида чақнаб галма-гал,
Мен бутун умримни йиртиб куйладим:
Севги мамлакати — буюк мамлакат!

МУИИ БСНСУ МОНОЛОГИ

Мен дунё овозиман. Мангу дард зуредиман,
Юракнинг парвозиман, тилакнинг муродиман.
Борим, йўқлигим бирлан тирикликнинг едиман,
Мен Замин фаредиман -- самоларда жон бердим.

Умрим менинг минг битта аламларда турланди,
Қалбимнинг зиёсидан не зулматлар нурланди,
Шеърлар айтдим—виждонлар тозаланди, ҳурланди,
Мен Замин фаредиман — самоларда жон бердим.

Қўз олдимда судралди неча тиллар, элатлар,
Ўзлигини тополмай сарсон юрган миллатлар,
Одамзод ичра юрган одамсифат иллатлар,
Мен Замин фаредиман -- самоларда жон бердим.

Бу нокаслар — бу хаслар ўз жонини ўйлайди,
Сени хор кўрмагунча тубан кўнгли тўлмайди,
Алар бор ерда яшаб, ҳатто ўлиб бўлмайди,
Мен Замин фаредиман — самоларда жон бердим.

Арабистоним менинг — харобистоним менинг,
Булбулидан абадий айро бўстоним менинг,
Сени қутқаролмади шеъру дostonим менинг,
Мен Замин фаредиман — самоларда жон бердим.

Бу Замин — менинг элим,
бу Замин — менинг дилим.
Бу Замин — менинг онам,
бу Замин — менинг синглим.
Оғир тушмасин унга ҳатто сўзсиз ўлимим...
Мен Замин фарёдман — самоларда жон бердим,
Мен Замин фарёдман — самоларда жон бердим.

АВСТРИЕДА ЯНГИ ЙИЛ

Бу мамлакатда мўри тозаловчи қадимдан омад ва эсон-омонлик рамзи ҳисобланиб келинади. Янги йил кирадиган кун кимда-ким кўчада уни учратиб, ундан ўзига қурум юқтирса омадли бўлар эмиш.

— Мўри тозаловчи,
менга ҳам бир боқ!
Худолар додимга ета олмади.
Қурумдан менга ҳам юқтириб ўтгил,
Шояд кулиб боқсин ногоҳ омадим.
— Мўри тозаловчи!
Менга ҳам бир боқ.
Кўнглимни қаро қил,
юқтиргил қурум.
Чунки бу дунёда
оқ кўнглим билан
Мен кун кўролмадим,
Хор бўлди умрим.
— Мўри тозаловчи!
Менга ҳам бир боқ!
Мендан юз бурмишлар ёруғ хаёллар.
— Мўри тозаловчи...
Эрлар, қизларин
етаклаб югурар жонсўз аёллар.
— Мўри тозаловчи!..
Эргашар уйлар.

Ун йиллаб тўшакда михланиб ётган
Беморлар югурар.

Қамоқхоналар.

Уйсизлар.

Ёлборар ҳатто Табиат.

Денгизлар тошади.

Дарёлар нолон.

Балиқлар, наҳанглар,

китлар ёлборар.

— Мўри тозаловчи!..

Даштлар, ўрмонлар,

Бўрилар, какликлар, итлар ёлборар.

Осмон тиз чўкади қадамларига —

Ердаги доғлардан бағри доғ осмон.

— Мўри тозаловчи!.

Этакларига

илашиб югурар Замину Замон.

Бир зум тингандайин жангу жадаллар.

— Мўри тозаловчи!..

Бўзлар сарватлар,

Мамлакатлар,

эллар...

Оёқларига

Бош қўйиб эланар буюк давлатлар.

...Олам айлангандек сокин бир уйга.

Ҳеч ким йўқ.

Битгандек хўрлик дунёда,

Қорайиб юрибди Ер узра фақат,

Мўри тозаловчи, ёлғиз, худодай...

* * *

Газеталар бўронида кетяпман,

кетяпман.

Метродайн

бу дунёнинг қоқ бағридан ўтяпман,
ўтяпман.

Боғлар елади гурр-гурр.
Сен ўзингдан ўзиб кетдинг,
Қайга кетдинг — югур!

Югур!

Бу не тошқин —

сен онангга

Бир энлик хат битолмайсан?
Ҳамма нарса югуради —
Етолмайсан!

Етолмайсан!

Нечи марта орзуларнинг
чангларида қолиб кетдинг.

Улуғ Ватан ташвишларин
Жангларида қолиб кетдинг.

Кимдир сенга кўнгил берган,
кимдир сендан ўксиган.

Сен-чи, кетдинг тўппа-тўғри

Ҳодисотнинг кўксидан.

Югуради симларда нур,

Уйлар борар югуриб.

Югурмасанг,

бу Вақт сени

Бир кун ташлар тупуриб!

Чорлаб,

порлаб

чопар Ҳаёт,

Бекатларида ундов.

Инсоният югурмоқда,

Югурар бутун дунё.

ТУПОЛОН СУВОМБОРИ ҚУРИЛИШИДАН РЕПОРТАЖ

«Тўполондарё билан хайрлашув» дostonидан

Тўгон қад кўтарар Ниҳондарада.
Ниҳон замонлардан хотира тўқиб
Қоялар юзида сиргалар шамол.
Унг томонда — чўққи.

Чап ёнда — чўққи.

Шамолим, неларни сўйлаётирсан,
Адашган қиз янглиг тентираб сарсон?
Балки ҳув қорлардан пинҳон хатинг бор,
Уни ўқий олмас ҳеч ким ҳеч қачон.

Сув бўлиб эрийди тоғлар, кетасан,
Кетасан — сочларинг кўринмас, ниҳон.
Метин одамларнинг сенга иши йўқ,
Муҳими -- бетондир.

Муҳими — тўгон.

Тўгон!

Менинг сирли дарам ошкор ларзада.
Харсанглар ағанар сувга.

Чанг-тўзон.

Экскаваторлар — темир динозаврлар
Тўрт ёндан ҳаммага шайланар,

Тўгон!

Тўгон!

Асрларим сел бўлиб оқди.

Боболарим чопди:

— Жон даштим, уйгон!

Қурғоқчил замонлар, камчил давронлар,

Қатма-қат армонлар — ҳаммаси тўгон.

Тўғон!

Неки айтдим рост айтдим фақат.
Лекин англаб етдим:

ҳар неки ёлгон —
худбинлик, дабдаба, сўзбозлик, гараз —
Бари

Ватан камолоти йўлида тўғон!

Тўғондир мешчанлар, семизқоринлар,
Юртдан фойда пойлаб юрганлар -- тўғон.
Муқаддас сўзлардан шиорлар тузиб,
Ўзи виждон пуллаб турганлар -- тўғон.

«КраЗ»,

«БелАЗ»ларнинг шовқиниаро
Кўксимга урилди ногоҳ зўр тугён:
Ёмонлик йўлини тўсмоққа эзгу
Одамлар тўғондир.

Мен ҳам бир тўғон!

Гоҳида дарёдай ҳайрон кетдим мен,
Унг томонда — ёлгон,

чап ёнда — ёлгон.

Инсоний бир нигоҳ, бир кафт, бир калом
Билан Сиз ёлгонга бўлдингиз тўғон.

Менинг умрим надир? —

Тошқиндир, селдир,

Оққувчи кўнгиллар кўклами томон.

Ёмонлик ёмондир — тўғонлари бор,

Ундан ҳам бетугён омонлик ёмон.

* * *

Абдусаттор — менинг синфдошим,
Тўғонда ишлайди бетончи бўлиб. •

Унинг юрагига туташ иплардир
Шу тоғларнинг ҳар сўқмоқ йўли.

Илдизлар туташдир,
Гиёҳлар, гуллар
Унинг жон-жонига бўлганлар пайванд.
У айтар:
— Сен мени газитга ёзма,
Мен бир оддий одам.
Мен арзимаيمان.

Унинг ишдан бошқа қилар иши йўқ,
Яғир жомакорлар — умрий қисмати.
Силлиқ йигинларда тилга олинмас
Бундай фидоларнинг жимжит хизмати.

Абдусаттор!

Қайдин бу сўзлар:
«Мен бир оддий одам. Сен -- катта одам»?
Одам деган сўзнинг оддий шаънидан
Баланд кетган бўлсам --- мен қандай одам?!

Абдусаттор, бу ноаён фарқ
Бизнинг ўртамизда рўй берди қачон?
Биз якдил болалар эдик ҳаммамиз,
Якдил орзу эдик. Якдил тўполон.

Иилларми ва ёки тақдирлар сабаб
Уртада пайдодир ҳадик — чегара.
Кўришганим чоғда нега иймандинг,
Нимани ўйладинг?

Сен-ку бегараз,
Ўзинг айтгандайин оддий одамсан,
Лекин онглари пуч,
мансаб тагида,

Бетлари қип-қизил, маишатпараст,
Абдусаттор, кимдир атрофдагилар?

Кимдир у — энг тоза либослар кийиб,
Элдан юз ўгириб турганлар, кимдир?
Фақат қоғозларда план «дўндириб»
Жарақ-жарақ даврон сурганлар кимдир?

Бундайларни кўрсанг четга чиқасан,
Ойлаб гарқ бўласан иш -- ташвишингга.
Қора терга ботиб кунларинг ўтар,
Сен парво қилмайсан ёзу қишингга.

Кимдир у?

Саволлар лашкардай тайёр,
Жавоблардан эса баъзан дарак йўқ.
Лекин сен ишлайсан.

Миллионлар ишлар.
Шул сабаб Ватаннинг доим кўнгли тўқ.
Сен тўгон қурасан.

Менинг зиммамга
Метин сўзлар тушган, о, Абдусаттор!
Юк пойлаб тизилган «БелАЗ»лар янглиг
Бурчлар кутар мени қатор ва қатор.

Фақат бир нарсани биламан:
Менинг,
Сенинг, шу дарёнинг йўлимиз бирдир,
Бу йўл келажакка элтади бизни.
Келажакнинг эса манглаин нурдир.

ҲОРАЗМГА БОРАМАН

Омон Матжонга

Менинг идрокимда шаҳарлар номи,
Мен кўрмаган эллар,
наҳрлар номи,
Чашмалар — тоғларнинг фаришталари
Тортқилар оромим ришталарини.

Лондон нима менга?
Чикаго нима?
Нимадир Парижнинг оқ билаклари?
Менинг юрагимга яқинроқ эрур
Жайҳун соҳиллари,
ўт, балиқлари.

Демак:
Хоразмга боргум.
Хоразм —
Тарих сўзидан ҳам балки қадимроқ.
Мен унга қанчалик яқин бормайин,
У мендан йироқдир.

У мендан йироқ.
Мактаб партасида ўйлаган эдим
Бундан ўн йил аввал,
ўн йиллар аввал:
Мен ҳам жаҳонгашта бўлгайман бир кун,
Аввал Хоразмга қилгайман сафар.

Хоразм — мозийнинг ҳозир орази,
Хоразм — болалик аразим.
Йилларки сен томон талпинади дил,
Сенга етганим йўқ ҳали, Хоразм!

Сенга етганим йўқ.

Гоҳ тонг, гоҳ оқшом
Сен чорлайверасан такрор ва такрор.
Комил Отаниёзнинг сози тинганда
Менинг ҳам кўнглимдан узилгандир тор.

Паҳлавон Маҳмудни энди танидим!
Сенга етганим йўқ.

Тарих билади.

Хоразм,

мен сенга етмоғим учун
Бутун абадият камлик қилади!

АХБОРОТ ҚИРОЛИ

Журналист Абдулла Пўлатовга

Ахборот қиролини ҳеч кўрганмисиз?
Асаб чақинлардай чақнаганида,
Юзида ҳодисот чинқирганида
Унинг қаршисида ҳеч турганмисиз?

Кўзларида унинг замон айланади,
Армон айланади.
Жаҳон айланади.

Қаранг:

ўз қўлида ўзи нурайди:
Кўксини чангаллаб телефонлардан
Ҳаво сўрагандай
янгилик сўрайди.

Хабар сўрайди.

Ахборот қиролини ҳеч кўрганмисиз?

Ғафур Ғулом,

Шайхзодани шеър ўқишга кўндирган у,
Мақтанчоқ мухбирлар довдираган чоғда

Бориб

Абдулла Ҳаҳҳордан сўз ундирган у.

Менинг тушларимга киради унинг
Кўзлари доим қўш кассета бўлиб.
Бу одам умрини тарқатиб борар
Ҳар куни, ҳар куни газета бўлиб.

«Тошкент оқшоми»нинг ҳар бир сониди
Бешми, ўн дил зарби жой олган унинг.
Шул сабаб уйғоқдир балки бу ҳаёт,
Шул сабаб зарби зўр балки бу куннинг.

Ҳаранг, у сигарет чекар асабий.
Янгилик истабон кўнглин ғашлайди,
Ва яна дзотга ташланган каби
Ёзув столига кўксин ташлайди.

Ахборот йўқ дейди, аҳвол сўрасам,
Вақт ҳам йўқ дейди, саломатликка...
Бир зум алоқани узинг дунёдан,
Ҳаҳҳордан гапиринг, Абдулла ака!

...Информация қиролини ҳеч кўрганмисиз? —
Кўксини чангаллаб, гезариб лаби,
Уйига боради қоронғу тунда
Гўёғиғимланган газета каби!..

МЕҲМОН

Унинг дийдорига кўпдан зор эдим.
Келди.

Аён этди йўғу боримни.

Уч кун!

Мен ўзимга ўқидим ҳукм.

Уч кун жим кузатди рўзғоримни.

Унга керак эмас шону мартабам.
Унга насиб этмас мен топган ноним.
Бу — менман,
бу — ҳаёт,
касбу корим бу,
Нега индамайсиз, меҳмоним?

Булар бу дунёнинг одамларидир,
Меҳрдан гапирса
кўнгли бузилган.
Менинг бу қўлларим улоқиб кетди.
Улар аллақачон сиздан узилган.

— Уч кунми, тўрт кундан кейин кетаман,
Мен бир меҳмон, — дейсиз, дилда хавотир.
Англайман:
Берилган тириклик менга
Сизнинг қадрингизга етган бўлсам — раводир.

Муҳими:
ҳеч кимни алдамадим мен.
Кўксимда беармон улғайди армон.
Заминнинг сернеъмат дастурхонида

Она, сиз меҳмонсиз.
Мен ҳам бир меҳмон.
Бошимда чайқалар мезбон дарахтлар,
Мезбон дарёларим куйманар шодмон.
Соҳиллар абадий қолаверадн.
Она, биз меҳмон.

Тоғлар чоллардайин чордана қурган,
Булоқлар кўзидан қувончлар равон.
Боғлар кўз-кўз қилар ҳосилларини,
Она, биз меҳмон.

Меҳмондир ўртада ўртанган ғамлар,
Умр севинчларга яна тўлгуси.
Фарзанд кутаётган манов келинчак —
Иқбол кулгуси.

Мангу ўтаверар булутлар, мангу,
Булутлар ўхшайди хайру ёдларга.
Менинг уйим қани? —
Чорак умрим ёнди аэропортларда!

Стул-стул кўрса ўнгайсизланиб,
Уч пуллик совғамга дилдан суюнган,
Она, билиндими меҳмонлигингиз?
Она, куйинманг!

Иссиқ нонлардаин тонглар бор ҳали,
Ки бахтдин суюнчи тутгайдир тақдир.
Шукрким олов бор тандирингизда,
Шукрким мақбара эмас у тандир...

ШУКУҲ

Қай бир ошиқ дилдан эпкин елдими —
«Онажон, билмадим, Наврўз келдимми?»

Ёруг ниятларнинг амалими бу?
Ёки тирикликнинг самарими бу?

Кўзимга кўз суртар малоҳат тенгсиз,
Онажон, бу олам бунчалар чексиз!

Тилагим гул бўлар қаерлардадир,
Юрагим бу кунлар сайрлардадир.

Неки армон бордир, неки орзу бор,
Умидлар дунёсин неки арзи бор —

Бари яқдил бўлиб туюлар менга,
Ажиб тақдир бўлиб туюлар менга.

МАРСИЯ

Андрей Вознесенскийдан

Гулчамбарлар қўйинг денгизга.
Бордир шундай инсоний удум —
ҳалок бўлган жангчиларни шод айлаб ёдин
гулчамбар қўйиншар денгизга.

Бунда балиқчилар шўнгиб ўн минг тик
Қотган қоқ суякни олдилар топиб,
айтолмасдан исмларин, сабабларин ҳам,
юзларини озод тутиб ёруғ дунёга,
сув қаъридан бизга томон интилар улар.

Денгиз мозорига мангу занжирбанд
сассиз чайқалади умуртқалари —
исмсиз, даҳшатли марваридгуллар,
Гулчамбарлар қўйинг денгизга.

Бировининг оёгида пақирдай этик,
биловининг кўкрагида нотавон тумор.
Нидолар ҳам мадад бермас беваларига.
Отмадилар, тириклайин ғарқ эттилар зор,
жисмларин тарк айлаган жонларин излаб
сув сатҳида жимирлади чамбарак излар.

Гулчамбарлар қўйинг денгизга
қудратли, чинқириқ куйлардан...
Сиренгул, хайригул, атиргуллардан
гулчамбарлар қўйинг денгизга.

Гулчамбарлар қўйинг заминга,
Унда ётар гулдай йигитлар.
Сиренгул, хайригул, атиргуллардан
гулчамбарлар қўйинг заминга.

Ёниб кетган учувчиларнинг
хокин ўранг соф гуллар билан.
Парвоз олди ичгандингиз сиз улар билан.
Гулчамбарлар қўйинг осмонга.

Токи самолардан оламга боқиб,
тортиш қонунини менсимай улар,
келар авлодларга сўйласин гуллар:
«Гулчамбарлар қўйинг — тириксиз токи».

Гулчамбарлар қўйинг Вақтга,
Шу мангу оловда биз ёниб кетдик.
Энг тоза, муаттар гулларни элтиб
Гулчамбарлар қўйинг оловга.

* * *

Файзулраҳмон — афгон боласи:
— Энди Ватанимга қайтаман, — деди.
(Ўқишга келганди шаҳримизга у,
Диёрида эса инқилоб эди).
— Энди мен бормасам бўлмайди, — деди.
Тушларимда ҳар тун Қобул,
Ҳирот...

нотинч кўчалар.

Тушларимда инграр ҳар тун
яраланган кечалар...
Унинг кўзларида туғён бор эди,
Сўзларида — юртнинг дардлари.
У кетди.
Бу ерда дарслари қолди,
Дафтарлари қолди — оқ каштарлари.
Унда апрель эди.

Энди-чи, январь.

Бироқ
изғиринли бу тунлар аро

Менинг тушларимга киради баҳор.
Баҳор!
Алвон ранглар бари гул эмас, —
Афгон аскарларини қонлари ҳам бор!
Шаҳидларнинг мазорини лолалар кўмган.
Бу — апрель —
Чайқалар афгон қирлари.
Файзулрахмон киради тушимга
Урушларда юрган акам сингари.

ҲАЙРОНБОҒ

(Ҳисор тоғларида шундай боғ бор эди)

Энди йўқ.

Қуидалар куйдирилгандир.
Дарахтлар ўрнида

юзлаб доғ энди.

Дунёда боғ бўлиб нима кўрдинг сен,
Ҳайронбоғ,

нимага ҳайронбоғ эдинг?

Ваҳший қоялар ҳам анграйди қолди.

Қани ул заранглар,

Метин иргайлар?

Ҳайронбоғ,

дунёга ҳайрон боқма сен,

То дунё бор экан қирқиб,

қиргайлар.

Бағрини тонеллар ўйган тоғ бир ён,

Бир ёнда ор-номус,

Бир ён — зинодир...

Асрларнинг устунлари каби

Чинорлар йиқилди,

буюк чинорлар!

Мана бу

дили йўқ тошлар ҳам билди

Ҳайронбоғ, инграднинг.

Бунда догман мен.

Илдизлар фигони жонимда.

Кетгум --

Кезиб юргувчи бир ҳайронбоғман мен.

Дўстлар

қушлар каби

тарк этди мени.

Чинор туйгуларим хас бўлди.

Кўргин:

Руҳимда хазондай ёнмоқда номлар.

Ҳайронбоғ,

Мендан ҳам бир аҳвол сўргин!

Наҳот, шовулламас кўнгил боғлари?

Ҳарён боғ,

ҳар он боғ,

ҳайрон боғ

Бир жуфт уя каби бўм-бўш кўзларим.

Шу ҳам гап бўлдими энди, Ҳайронбоғ?..

ҚОЗОҒИСТОН

Улжис Сулаймоновга

Кўзларимдан

шаҳарларни сидириб ташлар

Саҳролар, даштлар.

Қозоғистон дейман,

Қаршимда ястанган кенгликларида

Миллион комбайнлар бирдан иш бошлар.

Эгнимдан,

енгимдан тўкилади дон.

Кифтимдан,

кафтимдан қуйнлар галла.

Тақирлар қиқирлар.

«Зил»лар. Манзиллар.

Дала.

Дала.

Ҳаммаёқ — дала!

Истасанг шамол бўл.

Истасанг дарахт

Бўлиб

мангуликка беармон тикил.

Бу ерда тунларнинг бағри кенг.

Қара,

Ҳар из азиз сенга,

Ҳар юлдуз — сингил...

ХАДИЧА — ЧУПОННИНГ ХОТИНИ

Бунда на театр

ва на кино бор.

Томоша кўрсатар ёввойи селлар.

Зим-зиё саҳнида тоғ этагининг

бўрилар увлайди,

увлайди еллар.

Борлигининг тимсоли мисол

Тунлари

ўчмасдан ёнади гулхан.

Гулгун юзларининг гул кулгулари

шу тоғларда сўлган.

Биласан:

Қайдадир оппоқ уйлар бор,

Ёруғ хоналарда — ёруғ чехралар

Кулишиб,

тўлишиб,

сочларин ёзиб

Кўзгуга қарашар шому саҳарлар.

Сенинг ҳасратинг ҳам,

Қисматинг ҳам — Дашт.

Чакмон кийган ғарам — сенинг эрингдир.

...Серёмғир шаҳарнинг аэропортида

кўз олдимга келдинг, кўчманчи тақдир:
Утов.
Ўриётган чориқлар.
Чўпон чарчаган.
Ухлайди кўксида таёқ.
Сурув ичра кезар тўлғоқ сезгиси.
Тун бўйи кўзини юммайди ўчоқ.

АҲМАД МУРОДОВИЧНИНГ ВАТАННИ ИҶҚОТИБ ҚУЙИШИ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Мен сизни билардим болаликданоқ,
Гўдак тасаввурим алдамас мени.
Болаликдан келар қатъий бир сўроқ:
Аҳмад Муродович, Ватанингиз қани?!

Жиддий саволимга, гувоҳдир юрак,
Жавоб ололмасман балки бир умр.
Йўқолган Ватанни қайтармоқ керак,
Йўқолган Ватанни изламоқ зарур!

Чопиб бормоқдаман кўзимда қўрқув,
Қалбим ниманидир ола бошлар тан:
Минглаб имзоларда йўқолмоқда у,
Қорин ташвишига қурбондир Ватан!

Олис истиқболлар, сиздан сўрайман,
Шул буюк мантиқни қилганча инкор.
Ярадор аскардай бир кун қулайман
Қўлимда байроғим — Ватан!

Қани ким, ким бор?!
Шунда келармисиз қутқармоқ учун,
Қандайдир танишмас —
Ватан ҳурмати.

Аммо тасаввурим бойлайди тугун,
Қайда қалбингизнинг олий қудрати?

Эътиқод мудроқдир,
Индамайдир Вақт,
Машина, гиламлар бергайми садо?
Мен сизни бахтиёр кўрганман фақат,
Ватан пул шаклида бўлганда пайдо.

Аҳмад Муҳаммадович, югуринг! Йигланг!
Адрес бюрлар! Аммо бефойда.
Ватанни, боладай, ўртаниб изланг.
Ватан, сиз юракни йўқотган жойда.

* * *

Тескарига оққан дарёлар қайтди,
Тоғларда йўқолган садолар қайтди.
Мени излаб кетган нидолар қайтди,
Болалик қайтмади.

Қайтмади.

Сомонлар янчилмай қолган куз пайти
Адирлар заъфарон алвидо айтди.
Мени олиб кетган подалар қайтди,
Болалик қайтмади.

Қайтмади.

Бу кўча,

бу ҳовли,

бу уй,

бу тандир

Бир кун сесканади, сассиз сиқтайдир:
Ун йил ғойиб бўлган олапар қайтди!
Болалик қайтмади.

Қайтмади.

Қолдириб кетдимми уни даштларга?
Еки топширдимми шиддат, шаштларга?
Бўзлаб чорласам-да, битиб хатларга
Болалик қайтмади.

Қайтмади.

Қалдирғочлар қайтди.

Тойлар от бўлди.

Юртнинг тоғу тоши менга ёд бўлди,
«Уҳ» деганим менинг хотирот бўлди,
Болалик қайтмади.

Қайтмади.

УИҚУДА АЙТГАН ШЕЪРИМ

Энг аввал шу ёруғ жаҳонимни бер,
Сўнг ёруғ жаҳонда армонимни бер.

Токи дардларимдан ободлиг кўрсин,
Бедардлардан бемор замонимни бер.

Осмон юлдузлари тийра ўлмишлар,
Кўзлар чарақлаган осмонимни бер.

Барча яхшиларим юз бурмини мендан,
Яхшилар ичра энг ёмонимни бер.

Маҳзун кузга ўхшар сўлгин чеҳралар,
Баҳоррўй, лаблари хандонимни бер.

Бенишон ўтмасин токим умидим,
Мендан сўнг қолажак нишонимни бер.

Ғафлатга ёр этма, туғён буюргил,
Оромимни олгин, бўронимни бер.

ДУМАЛОҚ ШЕЪР

Думалайди думалоқ одам.
Думалайди.

Тиним билмайди.
Юзи қайси, калласи қайси,
Қорни қайси — ҳеч ким билмайди.

Бир думалаб овқатга келар,
Телевизор кўрар думалоқ,
Унинг биққи биқинларида
Ёстиқлари турар думалоқ.

Бутун умр шундай ўтар, у
Думалайди, чиқмасдан саси.
Бутун умр!

Билмайди ҳеч ким
Қорни қайси, калласи қайси...

САРАТОН

(Тасвир)

Тун-кун очиқ турган дарвоза.
Девор ёнидаги сўлгин қайрағоч.
Тезаклар,

бўш огилхоналар,
Бўш охурлар,
Эски бостирма...
Қовжираётган беқут бедазор.
Занг босаётган кетмон,
Қуруқ ариқлар...
Шувоқлари кўчган пахса уй.
Қуруқ ҳовли,
Бўм-бўш пақирлар.

Юракни куйдирар бу жизганақ куй.

* * *

На дўстлик, на севги, на орзу,
На бахт —
Мен ором йўқотганман!
Қандай қисфанг бор эди, ҳаловат?
Роҳат, қандай эди сенинг жамолинг?
Бошимда айланар бўронлар.
Тушимда:
Бўронлар, бўронлар..
Бўронлар қўйнида узун карвонлар
Гўё армонлар.
Оғриқлар тун бўйи таъкидлаб чиқар,
Таъкидлар мен ичган қасамлар:
Ором йўқ!
Ором йўқ! —
Бақирар бақрайган сариқ варақлар.
Ориқ дарахтлар.
...Майин шамолларнинг елпинишида
Замин тинчланади, мизгийди.
Йироқ-йироқларда сарсон бир дарё
Менинг оромимни излайди.

* * *

Йигирма етти йил! —
Йигирма етти тоғ
Ортимда тизилди.
Мен доғ қолдимми, соғ?

Бу эшик — Тириклик.
Бу бешик — Ҳаёт.
Йигирма етти йил —
Севгими ё сабот?

Озода қушларим
Қаерга учди?

Кўр,

Чайқалибон қолди
Пингирма етти кўл.

Ярми лойқаланган,
Ярми — нафармон.
Еттиси осмондир,
Еттиси — армон.

Худди шундайин
Асрим ҳам илҳақ —
Ярми қарғиш бўлса,
Ярмиси тилак.

Сизлар-чи, сизлар,
Мақсадлари мижғов,
Мол-мулк қуллари,
Виждон қани, виждон?!

ШОИР

У билан танишдик ётоқхонада,
Сочлари яширган қулоқларини.
Қудрат бўртиб турар мускулларида,
Кўзларида саҳройи дардлар.
Аъло ўқирди у дорилфунунда,
— Шоир бўлишимга, — дерди у, —
Халал бермоқдадир балки баҳолар...
Кейин дафтар олди,
шеърлар ўқиди,
Сатрларида
гуриллаб уйғонди моторлар.
Қизларнинг кўзимас, негадир
унинг шеърларидан боқарди

фаралари машиналарнинг.
Унинг шеърларидан гуллар ўрнига
негадир келарди бензиннинг ҳиди.
У шеърлар ўқиди ютиниб, қалқиб,
Менинг кўзларимда туғилди йўллар,
атрофимга йиғилди йўллар —
олис ва ойдин йўллар.
У шеърлар ўқиди...
кейин жим қолди,
кейин жаҳли чиқди, шеър дафтарини
телбаларча отиб юборди.
Кейин...
Кейин у мен билан бирга яшади,
Бир неча ой яшади ёниб,
Ёниб, йиглаб шеърлар ёзди у.
Сўнг менинг устимдан кулди:
— Буюкман!
Сўнгра...
Мускуллари қаршисида ўз шеърларидан
уялгандай,
ёзганларини,
дафтарларни йиртиб ташлади.
— Кетаман — деди у. — Бўлмайти! —
Рулни соғинибди қўлларим.
Кетаман, — деди у, — кўзларим
соғинибди чексиз-чексиз асфальт йўлларни!

(...Биринчи курс тугамаган,
Аудиторияда
боқар ёлғиз бўшаб қолган жой...)
У кетди...

...Тунлар уйғонаман, бўйнимга
йўллар осилади қўллар сингари.
Машиналар фаралар билан
тунни қувиб юрар узоқ рейсларда.

Шунда ҳам ўртаниб, ўтиниб ўйлар:
«Ватаним, ишқилиб жон-танинг соғми?»
...Сиз беёд қолганда ўқинг Оярни,
Кўнгилга эрк бергай бир мушфиқ кадар.
Менинг минорларим увиллаб борар
Термиздан то Болтиққа кадар.

* * *

Биродар!
Қўлда жом, кўзда ёш надир?
Савдолар ичинда елғиз бош надир?
Насихат нимадир?
Баҳс-талош надир?
Фано дарвозаси абад ёпилмайди.
Дунё топилади,
Одам топилмайди.

Биродар!
Ошиқлик баҳордир — ўтгай.
Бу тошқин туйғулар дарёдир — ўтгай.
Гоҳ кўнгил берганинг хатодир — ўтгай.
Умид гунчалари доим очилмайди.
Дунё топилади.
Одам топилмайди.

Биродар!
Умрни фарзона этгил.
Неки дардмандликдир дармона этгил.
Неки армонликдир тарона этгил.
Ҳар дил ҳам шеър бўлиб нур сочолмайди,
Дунё топилади...
Одам топилмайди.

Биродар!
Дунёдин нечун шикоят?

Нечун бу туганмас, маҳзун ҳикоят?
Тирикликнинг ўзи буюк иноят.
Шудир ўтганларнинг энг комил байти:
Дунё топилади.
Одам топилмайди.

АҲМАД ЗОҲИР НИДОСИ

Сиз учун минг битта имкондан ўтдим,
Минг бир ботин тўфон, исёндан ўтдим.

Гулдаини сўзларим кул бўлди менинг —
Шу кулдан унган шеър, дostonдан ўтдим.

Армон лабларининг таъмин билдим-ку —
Лаблари тахир бу армондан ўтдим.

Юзтубан йиқилди менинг осмоним —
Вайрона бўлган бу осмондан ўтдим.

То билдим ошиқлик оятларини —
Минг битта ояту қуръондан ўтдим.

Даҳрнинг туйғусиз пайғамбарлари
демангиз: гафлату ҳижрондан ўтдим. —

Мен сиз яшаётган жаҳондан эмас,
Муҳаббат отлиғ бир жаҳондан ўтдим.

СЕН

(туркум)

I

Шон-шуҳратдан кечдим мен.

Орзулардан кетдим мен.

Ҳижронларни йиртдим мен.

Исёнларни ютдим мен.

Суронлардан ўтдим мен.

Тўфонларни титдим мен.

Айро кўнгиллараро дил дардига етдим мен.

Айтдилар: бундай кетсанг

ким топгай нишонингни?

Ўзингни куйдиргайдир — унутгин имонингни.

Рост йўлга буролмайсан бу ёлғон жаҳонингни,

Шул сабаб жонни ўйла,

ўйлама зиёнингни.

Боз айтдилар:

тириклик кўйида сенким адо,

Фарёдким чекдинг неча бердимни биров садо,

Билиб бўлмас қайдасан —

ниҳонмисан ё пайдо? —

Сирожиддин, алвидо!

Сирожиддин, алвидо!

Мен шундай «ўғит»ларнинг орасиндан ўтганман,

Уларнинг назарида норасида ўтганман.

Лекин аслида қалблар ёрасиндан ўтганман,

Ҳар қаерда ҳамдардлик чорасинда ўтганман.

Сўзларнинг кўзида ёш—девоңларда куйдим мен.

Навоий бирла тунлар тугёнларда куйдим мен.

Шу диёрнинг хор ила хасин бирдек суйдим мен,

Дардин ўзимга олдим, гардин кўзга суртдим

мен.

Ҳн йилларким мен шундай дунёни ёд айладим,
Ҳаёт парвозларига дилни қанот айладим.
Кейин... Сен бўлдинг пайдо, ажиб ижод
айладим —
Ўзимни қайта бошдан ишқдин бунёд айладим.

2

Қуртаклар кўксимда гул каби битди,
Ҳн йил ўтиб кетди.

Ҳн йилим ўтди.

Кўзим васлу фироқ фаҳмига етди,
Сўзим юракларнинг заҳмига етди.

Англадим:

бу дунё қўшиқлик экан,
Унда олий мансаб — ошиқлик экан.

Қўрдим:

шоҳу гадо ёнма-ён келур,
Кимки беишқ бўлса бенишон келур.

Биров булутларга дилни ўрайди,
Биров ўз кўнглини мендан сўрайди.
Бундай савдоларнинг айтай несини?
Мен сени,

мен сени,

мен сени...

Мен сени яратдим дуоларимдан,
Оҳулар чўмилган дарёларимдан.

Шабнамларнинг жилосидан яратдим сени,
Шамолларнинг қиёсида яратдим сени.

Қеч ким илғамаган нурлардан сени
Мен яратдим ҳурлардай, сени...

Ҳеч ким тушунмагай мени сенчалик!
 Мени ўзимдан ҳам яхшироқ билдинг.
 Ҳаётим саҳродай қовжираганда
 Шамол бўлиб келдинг!

Шамол бўлиб келдинг!

Мени

телефонлар

чинқириб излаб,

Столлар устида минг карра ўлди.

Қароғсиз қолганда тунларим,

Сокин

Нигоҳ бўлиб келдинг.

Огоҳ бўлиб келдинг.

Бир юлдуз

юзингдан

кўксингга томди.

Кўзларинг ёшланди нега, Шоҳижон?

Бу ёшлар,

бу сочлар,

бу қўлларчалик

Ҳеч ким тушунмагай мени ҳеч қачон!

Қарашлар шунчалик раҳмдил,

азиз

Фидо бўлиб турар юзлар бунчалик!

Булутлар устида учиб боряпман,

Ҳеч ким тушунмагай мени сенчалик!

Осмон оёғимга йиқилар шодмон,

Тириклик муқаддас эрур қанчалик.

Кўксимга дунёни сиғдирган севинч,

Ҳеч ким кутган эмас сени менчалик!

Ҳеч ким сенингчалик қонлар ютмаган,

Ғамнинг тиғларига унсиз санчилиб.

Сен ўз лабларингда кулгулар эмас,
Менинг кунларимни олиб келяпсан.
Юрак осмон бўлиб боқади сенга!
Бугун кийиб келган кўйлагинг оқдир.
Боқдим.

Тошқинларнинг севинчи билан
Тоғларим

севгимга

севиниб

боқди.

Боқдинг.

Нигоҳингда жамики қувонч,
Покликка элтгувчи барча армонлар.

Боқдинг,

шамолларнинг сочлариаро

Киприklar

умримга

битди дostonлар.

Дунё!

Сен ҳам боққин.

Ҳаваслар қилгин!

Биркам дунёликнинг ташвишларидан,
Дунё, сен бизларни халос айлагин,
Фақат Севинч қолар севишганлардан.

5

Сенинг борлигингни ўйлашнинг ўзи —
Шубҳасиз, мен учун энг олий тақдир,
Сенинг нафасингсиз ва лекин менга
Энди тирикликнинг маънисини йўқдир.

Кеча

тонготарда туш кўрдим:

Даҳлиз...

Нурларга чулганган ҳали йўқ уйим.

Баҳор тошиб турмиш деразаларда,
Сен эса йиғладинг,

йиғладинг юм-юм.

Мени табрик этди дўстларим шодон,
Қадаҳлар янгради уйимда илк бор.
Бир маҳбуб қўшиқлар!..

Сен эса
Йиғладинг,

йиғладинг зору зор...

Кўнглингдан не алам кечди, Шоҳижон?
Гоҳи жон

Ўртанур — чун илғамадим?

Менга нима бўлса, майлига,
Лекин

Фақат сен йиғлама!

Сен йиғламагин!

Энди мен воқеа,

ҳодисаларга

Хавотир,

таҳлика билан қарайман.

Ердаги жамики тасодифлардан

Сенинг ҳаётингни сўрайман.

Фақат сен йиғлама.

Ҳаёт — улуг куй!

У ҳам такрорланмас мену сендайин.

Мен учун ҳар недан муҳимроқ

энди

Сени аламлардан асраш,

сиймтанам.

Кўрганда ҳар оқшом,

ҳар тонг даҳлизда

Бир жуфт кабутардай туфлиларингни,

Ўйлайман:

рўзгорим ўтгучи,

Асра,
Ки ҳазин кўрмайин кулгуларини!

6

Ҳижронларим билагида сенинг соатинг.
Тунларимнинг соясида сенинг ҳолатинг.
Ҳар тонг туриб қарайман:
Кўзгуларим қирғоғида сенинг узугинг,
Сўнгра бир юз юзиб чиқар кўзгудан,
Бу — ўзинг.

Бу ўзинг.

Муз сувни куйдирар юзим,
Ҳар тонг ювинганда шуни ўйлайман.
Сенинг борлигинга ишонмай,
Ҳар тонг
Кўриб севинганда шуни ўйлайман.

Бу ўзинг, —
Мен — берух.

Сурхондарёда
Ғамдан ҳам ғамгинроқ кезган пайтларим,
Йиғлатиб симларни, телефонларни,
Чорлаган, соғиндим, деб айтганларинг!
Ўтмади роз айтган абри найсонлар,
Тинган оқ ёмғирлар ҳали тинмади.
Бу ўзинг.

Шу замин. Мана шу осмон,
Учган ҳар бир юлдуз қалбни тирнайди.

Ҳарир пардаларнинг ҳарир хаёли,
Бу ёруг,
ораста,

тоза уй ҳам сен.
Ювилган бу нафис чинни идишлар,

Сўзана, дераза, кўзгу — бу ҳам сен.
Менинг йилларимни дазмоллаяпсан.
Тугмам қадаяпсан.

Чой тутяпсан.

Менинг кўз ўнгимда эса лаҳзалар...
Ушал оқ ёмғирлар.

Сен,
кутяпсан.

7

Сен — менинг саратоним,
Сенгадир сара тонгим.
Жоним сенинг кафтингда,
Кафтингдаги тафтингда.

Сочларнинг қўзғолони,
Ёнғиндайин исёни,
Сескантиради тунни,
Сескантиради мени.

Лаблар ўтли сўз айтар,
Қолганини кўз айтар,
Оташинга сингим мен,
Оташингда ундим мен.

Қўлларнинг алангаси
Ҳали кўп ялингуси.
Токи ҳарорат бўлгай,
Ҳаёт саломат бўлгай.

Сен — менинг саратоним,
Сенгадир сара тонгим.
Исмингдан жон топдим мен,
Жонимга ном топдим мен.
Сен — олов.

Йиллар — олов.

Кўксингда гуллар олов.
Оловга ошиқ бўлдим,
Оловли кўшиқ бўлгум.

8

Дарёларинг бир умр соф қолсин, зангор
қолсин,
Дунёларинг чеҳрангдай ёруг, бегубор қолсин.
Таманнолар, иболар тиниқ бўлсин, безавол,
Лабларингда кулгулар шундай беозор қолсин.
Елкаларинг даврида даврон сурсин саболар,
Сочларингнинг баҳсида шамоллар нисор қолсин.
Ҳар ғамким сенга боқса барбод ўлсин оқибат,
Ҳар қисматким, қасд қилди сенга, хору зор
қолсин.
Хазон бўлмасин ҳеч вақт кўнглингдаги
кўкламлар,
Руҳингдаги юлдузлар сўнмасин, бедор қолсин.
Ораста хаёлсан, сен шундай пок қолгил, токи
Менинг тириклигимда шеър қолсин, баҳор
қолсин.

9

Мен сени асрайман қароғларимда.
Дил билар.
Дийдоринг билади.
Бизнинг ўртамизда неки рўй берди —
Бизнинг ўртамизда қолади.
Қарайсан.
Ииллармас, қанотлар ўтар.
Сенинг юзларингдан бахт ранг олади.
Бизнинг ўртамизда неки рўй берди —
Бизнинг ўртамизда қолади.
Лаблар,
нафасларнинг минг бир шивири

Минг бир кечаларим ўтга солади.
Бизнинг ўртамизда неки рўй берди
Бизнинг ўртамизда қолади.

Шундоқ оқаверар сувлар беҳабар,
Билмайди соҳилнинг соҳир толлари.
Бизнинг ўртамизда неки рўй берди —
Бизнинг ўртамизда қолади.
Давронлар,

армонлар,

шонлар ўткинчи,

Вақт ёнғинида бари ёнади.

Бизнинг ўртамизда неки рўй берди —
Бизнинг ўртамизда қолади.

Бизнинг ўртамизда шаҳарлар қолмас,
Манзиллар қолмагай ўртаниб,
куйиб.

Бизнинг ўртамизда
қошлардай пайваст
Бир меҳр қолади —
дунёдай буюк.

10

Сен бу муҳаббатни тонгингда асра,
Энг ожиз, энг ёлғиз онингда асра.
Бергил шомларингнинг жозибасини,
Юзингда порлаган ёнғинда асра.

Не ойлар, қуёшлар йироқ тушмишлар,
Сен ўз қуёшингни ёнингда асра.

Багир лолаларим менинг куйи бўлди,
Бу куйини сен багир қонингда асра.

Муҳаббат ҳеч қачон жонсиз кечмаган,
Сен уни жонингда, жонингда асра.

ТУШ

Мен унга ёлбордим:
майли, ўтга сол,
Мангу равон айла кўздан ёшимни.
Не ёмонлик бўлса раво кўргину
Олиб кетма лекин менинг тошимни.

Майли,
Насиб этсин борим, бисотим,
Истасанг қиличдан ўтказ бошимни.
У тош менга туташ, у тош — юртдошдир—
Олиб кетма менинг тошимни.

Ҳиссиз башарада қаттол масхара.
Кулди.

Фалакларда қорайди қуёш.
Тошнинг тимюзида ёшми йилт этди —
Асир янглиғ кетди азиз тош.

Уфқлар чайқалди.

Ҳирқираб чопдим.
Қалималар келмай тошдай тилимга.
...Мен заррача ачинмас эдим
Бошим омон қолганлигига.

* * *

Манов саҳро дилни баҳор айласам,
Барча армонларин зангор айласам.
Анов сўлгин руҳни гуссаларини
Тарқатиб, сеҳр ила асрор айласам.

Ошиқлар тўйида қадаҳлар мисол
Минг битта юлдузни қатор айласам.

Бир кулгу ярқ этиб ўтди оламдан,
Унинг мурларини такрор айласам.

Йилларни гуллардай тутсам ҳаётга,
Ҳаётнинг умрини пойдор айласам.

Шу ниятлар билан уйғониб бир тун
Уч-тўрт туркий сўзни бедор айласам...

* * *

Дунёга эътибор қилмадим,
Билмадим-билдимми, билмадим.

Севгидан тилиндим, тилмадим,
Билмадим-билдимми, билмадим.

Ингладим, эландим, тиландим,
Билмадим-билдимми, билмадим.

Нокаслар не учун сийланди?
Билмадим-билдимми, билмадим.

Руҳ виждон қонига белади!
Билмадим-билдимми, билмадим.

Мен минг йил яшадим сен билан,
Билмадим-билдимми, оҳ, билмам!

* * *

Дилимдан менга бир тўфон яратмишлар,
Бу тўфондин ўзимга жон яратмишлар.

Бошимга осмонни соябон айлаб,
Қуёшу ойдин посбон яратмишлар.

Билинсин, деб тамом ободу барбодим,
Бу ишга ишқ деган имкон яратмишлар.

Гаҳи дил аҳлининг аҳволини кўрдим,
Ажабким ер билан яксон яратмишлар.

Дили йўқни гаҳи кўргач чу айтдим,
Ки бу бечорани ёлгон яратмишлар.

Менинг ёдим эрур бори тириклик —
Заминдан то само гирён яратмишлар.

Нечун бунёд этиб дунёни армондин
Ва мендин бир жаҳон армон яратмишлар?..

* * *

Мен ишқ элининг нолаю афғонида куйдим,
Кўнгил уйининг оташи армонида куйдим.

Меҳрин тилабон ўтса агар ошиқи зорлар,
Меҳримни бериб мен эса товонида куйдим.

Мушкул эди йўл, ранж ила изҳорига етдим,
Сизлар кўйида, мен эса домонида куйдим.

Дўст ким, рақиб ким, ҳақ бирла ҳаким ким, —
Билмай асилни лол ила ҳайронида куйдим.

Ҳарён садо берди манинг зори дилимга,
Интилдиму лекин дағи ҳар ёнида куйдим.

Дунёни азалнинг ғазалий матлаъи булдур:
Бошлаб ҳама ишни ани поёнида куйдим.

Ҳам, мақсаду ҳам, матлабу ҳам, дарду ва ҳам
ишқ,

Ҳам ишқ элининг нолаю афғонида куйдим.

ТУН

Шаҳарларнинг
Темир-бетон саҳроларида
Кафтларимда қақроқ истаклар,
Боряпман мен
Қўлларингнинг гулханин ўйлаб,
Қўмсаб,
Салқин жилғаларин коққларингнинг.

* * *

Отан хотирасига

Менга жуда таниш,
Менга қадрдон.
Дийдори мен учун суюмли,
ширин,
Кимдир чиқиб келаверар дарадан,
Чиқиб келаверар ҳар тун бетиним.
Эски чопонидан бир ҳидлар келар,
Менга таниш ҳидлар...
Жон ўртанади!
Чиқиб келаверар толиқиб,
беҳол,
Ғариб ялангликда жим ўлтиради.
Соатлаб ўлтирар,
Қора қиблага,
Тоғлар меҳробига термулар,
қўрқар.
Сўнг ялангликдаги қуруқ чўпларни
Териб, йиғиб у гулхан ёқар.
Кўрина бошлайди хира юлдузлар —
Унинг чопонининг йиртиқ жойлари.
Унга раҳмим келар,
Ўқинчлар аро

Тилиниб, тилиниб кетар жонларим.
..Ҳар тун шу:
У чиқиб гулхан ёқади,
Соатлаб ўлтирар маъюс,

боши ҳам.

Нега чақирмайсан мени ёнингга,
Кел, деб чорламайсан, эй азиз одам?..

* * *

Жарлар сийнасида,
Шаршаралар юм-юм йиғлайди.
Чашмалар,

қоялар пинжида,

Тошлар панасида жим, жим йиғлайди.
Жилғалар харсанглар юзини силаб
Сим-сим йиғлайди.

Эларо

Бахшининг кексайган қизи
Бибиробиянинг ўланларида
Менинг она тилим йиғлайди.

Бибиробия ҳам ўтса...

Кейин — ким?

Ким йиғлайди?..

* * *

Яшинлар ёритган эй олис уйим!
Шунча йиллар куйиб,
Қанча қисмат кечиб,
қанча ўю фироқ,
Ҳикмат кўрмадим мен сендан буюкроқ!

САМАРҚАНДА

Унутиб асримнинг талвасаларин
Шошилмай кезаман мадрасаларни.
Сукунатни тинглаб турарлар
Ҳужралар. Ҳужралар. Ҳужралар.
Эшиклар.

Эшиклар.

Эшиклар.

Эшиклар тарихдай очилар.
Дарчалардан Самарқандга қарайман:
Минорлар турибди — соқчилар...
Лол қотган Улуғбек,
Жим турган Шердор.
Регистонни кезаман мен —
Қадим хаёлларга гарқ.
Шу асрий гиштлардами,
гамгин нақшлардами,
Мақбаралардами ёки...
Қабрлардамисан, Шарқ?!
Кезаман,
Юзимда — тарихий сукут,
Асл туйғуларим менинг — кўксимда.
Оқшом.
Сенинг ҳасратларингни
Пичирлаб кетаман таксида.

* * *

Саъдий газалларини саҳроларидан
Бир садо келади:
«Эй, сорбон...»
«Эй, сорбон...»изғийди қумларда.
Бир гадо кулади:
«Иўқ карвон».
«Эй, сорбон...»

Шаҳарлар ёнади.
Карвонсаройларда — тутунлар.
Саҳрода карвонни талайди
Қуюнлар.

Қуюнлар.

Қуюнлар.

...Булар тепалармас,
дўнгликлар эмас,
Кўмилган туялар,
туялар...

ҚАДИМИЙ БАҚТРИЯ ТУПРОҒИДА

Ш. Холмирзаева

Ўлик саҳро...

Жимлик босган тепалар, мазоратлар...

Қани менинг жаннатмакон, гуркираган боғларим?

Қуръон ичра ҳазин-ҳазин инграётган оятлар,

Қани менинг порлоқ-порлоқ қадимий қўшиқларим?

Бу саҳрода минг хил ташбеҳ кўмилгандир мен учун.

Ҳарфлар,

ҳарфлар кўмилгандир — қадим тиллар
парчаси.

Бу ҳарфларда излари бор Искандар тулпорларин,

Ташбеҳларда — динлар муҳри,

Чингизийлар тамғаси.

Мана,

ғорлар — мозийнинг кўз косалари сингари,

Ў, бир буюк маданият ётар мажруҳ, инграниб.

Парча-парча сополлардай парчаланган санъатим,

Қани сенинг шавкатинг?

Сулолалар ёнғинида ёнди тиллар, луғатлар,

Алифболар асрларнинг қумларига бўлди ғарқ.

Ғар уларни асрасайди,

Сақлаб қолсайди агар

Мискин, ҳазин газалларга тутқун бўлмас эди Шарқ,

Банди бўлиб буюк бобом Аруз зиндонларида

Унда тушкун ғазалларни куйламасди ўртаниб.
Озод-озод куйларди,
Мен турибман...

Мана, горлар... деворлардан бесадо
Кушон ёзувлари боқар неларнидир ўтиниб.
«Бу йўллар кўп қадим йўллар»...

Рост айтгансиз, шоирим!
Мен турибман, ботирлар қон тўкиб ўтган йўлларда.
Таҳқирланган сулувларнинг чинқириги қувлаган
Шаҳарларнинг арвоҳлари изғиб юрган чўлларда.
Саволлардай қотиб турар теграмда саксавуллар.
Мозий мени босиб келар, чолдиворлар ўрайди.
Тепаларнинг бағридан бир Ватан қўзғалиб ногоҳ,
Мендан номин сўрайди.

* * *

Сутдай оқ саҳронинг қоқ ўртасида,
Бир гавда қўзғалар тўсатдан.
Юрагида — қасос.
Қўлида — қилч,
Кўзлари тарихлар зулматин тилиб
Қарайди. Қарайди.
Қўрқаман.
Сен кимсан?

Сен кимсан?!

Сен кимсан?!

Марҳум Бақтриянинг сўнган ғурури?
Бутпараст?

Зардушт

ё мусулмонмисан

Ё юнон аёлин жувонмарг ўғли?
Мен сенинг исмингни билмайман.
Ортимда боғларим ҳадиксирайди.
Ў, ботир!
Сен кимсан?

Кўзларинг,
Ҳасоскор кўзларинг нега бунчалар
Қонсираб қарайди,
Қарайди?..

ПАҲЛАВОН МАҲМУД

Сенинг ҳасратларинг узун,
Шеърларинг қисқа.
Не-не гадо кўрдинг,
не султон кўрдинг.
Нух минг йил яшади —
Кўрди бир тўфон.
Сен
Нух бўлмасанг ҳам
минг тўфон кўрдинг.
Бировдан тахт қолди,
Бировдан — дарахт.
Сендан мерос қолмиш байтлар —
туғёнинг.
...Ғар кўйлак тиксалар армонларингдан,
Эгни бут бўларди юпун дунёнинг.

* * *

Мен ухлаб қолибман,
йилларим куйди —
Бировнинг додига етмаган сўзим.
Фаслим ўтаверди. Асрим ўтаверди.
Мен ухлаб қолибман, дунёи азим.
Қоялар қулади Тўполондарёга,
Балиқлар кўзида даҳшат, алвидо.
Фалаклар қаърида Замин фарёди.
Мен эса — бесадо, бесадо...
Кимнинг тушларига нур сочдинг, осмон,

Шабнамларга чайиб овозларини?
Йилларим куйди,
Мен ухлаб қолибман,
Қўйвориб асримнинг тормозларини.
Адирлар саргайди.

Абадий сувлар

Оқиб кетаверди,
кетаверди.

Мени уйқу отлиг тинч оқар дарё
Олиб кетаверди,
кетаверди.

Қаро қирғоқларда қолди тушларим.
Уйладим:

Мен энди бошқа қайтмайман.
Бу хобу хаёлнинг мавҳум қиссасин
Ҳеч кимга айтмайман. Айтмайман!
Олис чинқириқдан уйғондим ногоҳ,
Қарадим:

Теграмда бирор одам йўқ.

«Увв-увв»йиғи келди Сурхондарёдан:
«Отам йўқ, акажон, энди отам йўқ!»
Ғафлатда қолгандим илк бор умримда,
Энди кечалари уйқу келмайди.

Энди тўполонсиз оқар Тўполон,

Отамни ўйлайман, у-ку, келмайди,

Бироқ тунларимнинг туби-тубида
Чўккан кўзлардайин бедор унлар бор.

Дўстим, яшамоқ бор ҳали дунёда,

Дўстим, бу дунёда ҳали кунлар бор.

Ва сиз, оталари тирик юрганлар,

Меҳру оқибатни ўйлаб тўлгонинг.

Севги бор.

Ҳаёт бор.

Ҳамма нарса бор.

Сиз фақат уйғонинг, уйғонинг!

САКСОНИНЧИ ЙИЛЛАР

Достон

I

Вақтга ҳайкал қўймоқ пайти ҳам етди!
Вақтга ҳайкал қўймоқ пайти ҳам етди.

Фасллар юлқинар қучоқларимдан,
Йўллар ҳайқирмоқда оёқларимда.
Не тақдир бор эди —
юракни туртди.

Ўтди. Ўтди. Ўтди.
Вақтга ҳайкал қўймоқ пайти ҳам етди!

Асримнинг сочлари
бармоқларимдан

Ениб ўтяпти.
Ениб ўтяпти.

Мен — Саксонинчи йиллар!
Неки ўтяпти,
неки ўтяпти

Еқиб ўтяпти.
Еқиб ўтяпти.

Энди мен
ёнмоқнинг фаҳмига етдим,
Вақтга ҳайкал қўймоқ пайти ҳам етди!
Ҳаёт!

Кўзларингни мендан яширма!
Ҳаёт!

Дардларимга ўзинг бер ҳаёт!
Сен ўзинг дунёда энг буюк бахтсан,
Сен ўзинг дунёда энг буюк фарёд.

Тўйларда айтилган «ёр-ёрлар учун,
«Ёр-ёр» айтган дилбар

дилдорлар учун,

Юракда исинган тақдирлар учун

Ва яна

Мана шу сатрлар учун

Ў, Ҳаёт!

Мен сени яхши кўраман!

Мен сени севгимдай яхши кўраман!

Кунлар

гал талашиб ўтганларида,

Ойлар йиқилганда мисоли чақин,

Мен сенинг бағринга сингиб кетаман.

Йиллар ўтган сайин —

Мен сенга яқин.

II

«КрАЗ»лар гурлайди Тўполондарёда,

Оҳулар руҳимга беркиниб ётди.

Хомуш хўрсинади Ҳисор тоғлари,

Вақтга ҳайкал қўймоқ пайти ҳам етди¹.

Мен — бир ошиқ йигит.

Талпиниб,

Кеча

Дил анҳор бўйида армонга етди,

Тошкент телеминораси сингари сурур

Юксалиб юлдузга, осмонга етди.

Фоний ҳасрат эмас — Олий Орзудан.

Ўткинчи ҳам эмас — Юксак Ишончдан.

Тугёндан,

виждондан,

гиёҳдан,

тонгдан,

¹ Тўполон сув омбори назарда тутилади.

Шабнамдан,
 қасамдан,
 севги,
 қувончдан
 Вақтга ҳайкал қўймоқ пайти ҳам етди.
 Шунинг учун
 йиллар мени
 лаҳзаларга топширар,
 Шунинг учун
 лаҳзаларим асрлардай шоширар.
 Сизни унутамаман мискин шоирлар!
 Сизни унутамаман мискин шоирлар!
 Яшаш жонга тегмас ҳеч қачон!
 Яшаш жонга тегмас,
 Бу ёлғон!
 Бўғзимга йиғилиб қолганда йиллар,
 Йўлимга тикилиб қолганда йўллар,
 Боқмай савдоларнинг озорларига
 Бораман қардошлик мазорларига.
 Безовта қилмасдан тош-жисмларни
 Тирикликнинг байтларидек
 Ўқийман исмларни.
 Мени
 кемиролмас шахсий андуҳлар —
 Давримнинг шиддатли дардлари кафил.
 Руҳимнинг,
 умримнинг бутун мазмуни —
 Иигирманчи аср.
 Ун еттинчи йил.
 Семиз истакларни ёмон кўраман!
 Худбин армонлардан нафратланаман!
 ...Иироқларда инқилоб, деб
 йиқилганда аскарлар
 Мен ҳам ёзув столимда
 сўзсиз яраланганман!
 Асрлар ўтмишдир —

Дилгир,
Чўзилиб
Туяларга ортиб дардномаларин.
Чўзилгандир

таҳликали муддатларим менинг ҳам
Женевада чўзилганда

Тинчлик шартномалари.

Мен — Саксонинчи йиллар.

Бир тонг уйғониб

Сальвадор чинқирди юракларимда.

Дафтаримга сачради қонлар.

Кўксимга йиңилди Никарагуа.

Лаънатилар!

Лаънатилар!

Байрутни ҳам таладилар!

Бу юртни ҳам таладилар!

Нўллари қон,

Қўллари қон.

Яладилар.

Яладилар.

Лаънатилар!

Лаънатилар!

Самоларда жон беради Муин Бсису!

Дабларимда қолар менинг бу сўзим:

Умр бўйи

уни итдай таладилар.

Лаънатилар!

Лаънатилар!

Лаънатилар!

Лаънатилар шоирлардан талантироқдир.

Шоир ёлгон ёзса агар лаънатироқдир.

1 Ватан озодлиги йўлида курашиб муҳожирликда яшаган исёнкор фаластин шоирининг юраги ҳаво лайнерида уришдан тўхтади.

Шунинг учун
йиллар мени лаҳзаларга
топширар,
Шунинг учун
лаҳзаларим асрлардай шоширар...

III

Абадият оғриғидан пайдо бўлдим мен.
Башарият тарихидан барпо бўлдим мен.
Мен йиллар кўрганман — бағирлари — тош.
Кўзлари,
Сўзлари,
Тақдирлари — тош.
Не шоҳлар,

қасрлар кечди бошимдан.
Бемехр асрлар кечди бошимдан.
Асрлар!

Асрлар!

Асрлар бўйи
Софлик ва Адолат излабон ўтдим.
Ўгай фарзанд уйдан кетгандай
Асрлардан бош олиб кетдим.
Кунларим
соч юлиб қолабердилар.
Умрим увол ўтди биёбонларда.
Одам бўлиб яралдим

лек одам бўлолмадим
Зулумот зўрлаган сиёҳ тонгларда.
Бечора жонимга чоралар топмай
Дунёдан кечдим

қаландар бўлдим.
Замонлар юкини елкамга ортиб
Ҳалол меҳнат қилиб,
Мен ҳаром ўлдим.
Мен қувғин қилиндим Астрободга.

Ишратдан маст эди зарбоф саройлар.
Самарқандни,
Хоразмни мен бино этдим
Юрагимдан элтиб дарёлар.
Лаҳзалар!
Лаҳзалар! —
Тоғлардай оғир.
Мен — Собир Термизий —
сувга ғарқ этилдим.
Қуюн янглиғ ўтдим қуюн замондан,
Сўнгра
«Бобурнома» бўлиб битилдим.
Халқим етим эди,
Етим эдим мен.
Тарихдан кетдим жим ёшлаб кўзимни.
Фақат...
Йигирманчи аср пешонасида
Толеимни кўрдим,
Кўрдим ўзимни.
Кўрдим:
Гражданлар урушининг сўқмоқларида
Аскарлар қонидан
қонланди тонгим.
Минглаб Набиевлар йиқилди,
Токим
Омон қолсин дея тонгдай замоним.
Кўрдим армонларнинг тантанасини.
Ҳаёт шамолидай чўлларда елдим.
Сўнгра
Совет Социалистик Республикалар
Иттифоқи бўлиб дунёга келдим.
Бунинг учун
йигирма миллион
Жоним кетди менинг қонга беланиб.
Ҳануз шаҳидларнинг мозори узра
Чирқираб юрибди бева келиним.

Миллиард қиловаттлар бўлди меҳнатим, —
Асрлар тақдири

лаҳзаларда ҳал¹.

Кўзлари қамашиб,

Ақлдан озди

Лондонлар,

Парижлар,

Америкалар.

Мен —

оддий деҳқонман — Замин ўғлони.

Қўёш фарзанди мен. — Кўксимда Юлдуз.

Менга қўйиб берса,

ер тугул,

Ҳатто

Нахта экар эдим Ойга ҳам сўзсиз.

Сиз эса...

Тўқликка шўхлик қилганлар,

Фақат мол-дунёга бердингиз изн.

Сиз нокаслар сабаб замон сарсондир,

Жуда соғинтирди бизни Коммунизм!

Бир йилда ўттиз минг трактор!

— Қани,

Ерни ҳайда! — дейди Муҳаммад Туроб².

Эҳ-ҳе!!!

Бундай азаматлар менинг юртимда

Минглардан кўп

Миллионлардан кўп.

Асрлар ўтмишидир —

Дилгир,

Чўзилиб,

Бўлолмай кимсага ҳатто супурги.

Менинг замонамга мос ҳайкал бўлур

1 Гафур Гулом сатри.

2 Муҳаммадjon Туробов. Тошкент трактор заводининг
ишчиси.

БАМнинг

Тўрт минг икки юзта кўприги.
Бойсунтоғ тўрида тоғдайин бўлиб
Дўмбирасин созлар —

бу Қодир бахши.

Юлдузларни чертар овози унинг:

— Барча замонлардан шу замон яхши...

IV

Мен сўздан яратдим худолар,
Гўзаллик йўлида кетди кўз нурим.
Шаҳарларни

ўз фарзандимдай

Оқ ювиб,

оқ тараб ўстирдим.

Ўтган асрлардан сермазмунроқдир

Кунлик,

оддийгина гурунгим менинг.

Қувончлар

наптарлар галаси янглиғ

Тўлдирди уйимни, умримни менинг,

Манглайимда ажинлар эмас,

Улар

келажакнинг лойиҳалари.

Уйқусизлик эмас,

Мени кечалар

Бедор тутар шу Ҳаётнинг боқий дардлари.

Нима бўлганда ҳам Одам бўлиш керак!

Одам бўлиш керак, деб ўтди отам.

Менинг одамлигим кимга керакдир

Агар Ер юзида қолмаса одам?!
«Ҳаммаси яхши бўп кетади».

Бу сўзда меҳр бор.

Бу сўзда — таскин.

Сизнинг армонингиз ниҳон бу сўзда.

Демак:

Яшаш керак сўзлардай кескин!
Йиллар бизни ташлаб кетмайди.
Мангулик бўлмоққа шошилар улар.
Кунлар,

ойлар умримиздан узилиб
Заминга қўшилар,
Ҳаётга қўшилар.
Нурланиб,

турланиб,

ҳурланиб

Бир кун

Ҳаммаси ўтади буюк оқимдай.
Офтобда қорайган болалар мисол
Соҳилдан кетади кунлар яқинда.
Сизнинг қисматингиз —

менинг қисматим.

Дардингизни дилга оларман,
Еруғ юзингизда бир қувонч бўлиб
Эҳтимол қоларман,
Балки қоларман.

Ўкинманг!

Муҳимроқ нарсалар бордир,
Ўшалар барҳаёт қолмоғи керак.
Нима бўлганда ҳам,

Яшнаб,

товланиб

Замин қолмоғи керак!

Ҳаёт қолмоғи керак!

Ў, Замин!

Ў, менинг қадимий ғамим!

Ниятим:

Улғайсин ёш тақдирларинг.
Тараққиёт ҳайвонларин кашфиётидан
Ўйилмасин гул бағирларинг.

Мен — Саксонинчи йиллар!

Ў, Ҳаёт!

Хатар сезмагансан ҳеч қачон бундай.

Ҳеч қачон сен менга —

Инсониятга

Азиз бўлмагансан бугунги кундай.

Бостон занжилари қўзғалар. Ана —

Боннда Тинчлик деганларнинг сурони.

Бутун дунё виждонлари, бирлашинг!

Бирлашинг!

Қутқаринг энди дунёни!

Чилида тўқнашув.

Қобулда ҳатто

Муллалар чиқмоқда намойишларга.

Алвон эпкинлари пионерларнинг

Қўшилар маршларнинг шамолларига.

Саҳар саҳфасинда

Саккизта ўқдан

Саккизта «гул» қолди кўйлақларида...

Ҳиндистон!

Сен энди гуллар ўстиргин

Индира Гандининг тилақларидан.

Жайрадек ҳурпайган ракеталарнинг

Тумшуғи

кўзимга тегиб турибди,

Қай бир хонадонда шу замон бир қиз

Тўйга сўзаналар тикиб турибди.

Гаванада оммавий митинг.

Қудрат ҳайқирмоқда ёқаларидан,

Куба,

Сен айланиб-ўргилсанг арзир

Фидел Кастронинг соқолларидан!

Шундай одамларнинг изтироблари,

Чеккан заҳматлари,

Буюк азоблари,

Борлиқдан ҳол сўрашларидан,

Эътиқоди, курашларидан
Зулмат зиё бўлди оқибат.
Дунё дунё бўлди оқибат.
Шунинг учун...
Қийналгувчи одамлар керак!
Қийналинг,
Қийноқдан яшнасин юрак!
Армон учун,
 виждон учун қийналинг!
Замон учун,
Инсон учун қийналинг!
Қийналинг Ҳаётнинг соғлиги учун,
Ва унда қийноқнинг борлиги учун!
Тирикликнинг
 васлу фироқлари учун
 қийналинг!
Онангизнинг озгин бармоқлари учун
 қийналинг!
Қийналинг талантсиз,
 талантли учун!
Қийналинг энг сўнги лаънати учун!
Руҳий тўкинчилик учун қийналинг!
Дунё учун,
 Тинчлик учун қийналинг!
Дард кўп.
 Ҳаммасига чидолмас юрак.
Бари бир
Қийналинг!
Қийналмоқ керак!

V

Отамнинг қабрига тушди илк қорлар...
Қорларга кўмилди табаррук ғамим.
Фақат сен ўтмагин!
Фақат сен қолгин!

Ҳеч қачон чироғинг ўчмасин,
Замин!

Балиқлар чинқирав тушимда менинг,
Ўрмонлар чирқираб сўрайди нажот.
Фақат сен сўнмагин!
Фақат сен қолгин!

Чироғинг ўчмасин ҳеч қачон,
Ҳаёт!

Ииллар бизни ташлаб кетмайди.
Мангулик бўлмоққа шошилар.
Ишон!
Шунинг учун оламга келиб
Ҳеч қачон бенишон ўтмагин, Инсон!

Ҳеч қачон бепарво ўтманг, одамлар!
Ҳаётни асрангиз кўзларингизда.
Дунё хавотирин ўзимга олиб,
Хайрли тун тилайман сизга.

VI

Осмоннинг бепоён
мовий кўзлари
Заминга қарайди,
Қуёш нур берар.
Булулларнинг
ерга тушиб
одамлар билан

Яшагиси келар!
Яшагиси келар!
Дунё меҳнат қилар,
Ҳаёт тинмайди.
Каналлар ярқирав саҳро қўйнида.
Дарёлар
Меҳрибон қўллар сингари
Осилиб турибди тоғлар бўйнида.

Сўқмоқлар елмоқда қизалоқлардай,
Жилгалар шошмоқда қиқирлаб,
яйраб.

Бу кунларнинг
ў, бир лаҳзасидан
Яралгайдир ўнлаб асрлар!
Қалблар ишонч, зийнат бўлди ушбу кун,
Халқлар имон,
нийат бўлди ушбу кун.

Тарихлардан улуг,
Тирикликдай қутлуг
Инсон

Инсоният бўлди ушбу кун.
Йиллар бизни ташлаб кетмайди!
Ҳали

нигоҳлардай сокин
замонлар келар.

Ў, Замин!
Бағрингни силамоқ учун
Миллионлар келар!
Миллион тонглар келар!
Улар ишонгайдир
Менинг сен билан
Тинчлик деб зору зор чопганларимга.
Улар ишонгайдир
Виждон йўлида
Менинг йўқотганим,

топганларимга...

Йўллар ҳайқирмоқда!
Вақтнинг вақти йўқ.
Фурсатнинг тўхташга йўқдир қарори.
Шунинг учун мени ўйлатар
Уч мингинчи йиллар баҳори.
Сизга нима бўлар?
Менга-чи?
Нима

Бўлса ҳам эзгулик бўлмоғи керак!
Биз ҳаммамиз ўтармиз,
Лекин
Замин қолмоғи керак!
Ҳаёт қолмоғи керак!

VII

Мен бу дostonимни беш йилдан бери
Қалбимда қийнадим.
Қалбимда битдим.
Беш йил учиб кетди беш капалакдай,
Вақтга ҳайкал қўймоқ пайти ҳам етди!

Кўрдим:

тараққиёт ракеталари
Тиниқ осмонларим пардасин йиртди,
Зир титраб ўйладим:
Наҳот, осмоним
Сенга ҳайқал қўймоқ пайти ҳам етди?!

Менинг юрагимда рўй берди бари —
Неки бу асримнинг кўксин чок этди.
Англадим:
Дард билан буюқдир инсон,
Дардга ҳайкал қўймоқ пайти ҳам етди!

Дунёдаги барча оналар мушфиқ,
Мушфиқроғи менинг онамдир,
Унинг армонларин ўйласам агар
Кўксим ичра жаҳон ёнадир.

Йўллар ҳайқирмоқда!

Она!

Онажон!

Еруғ дуойингиз дилга жо этдим.

Сизнинг кўзёшларни ўйлабон,
Бугун
Дунё кўзёшларин фаҳмига етдим.
Лаҳзалар!

Лаҳзалар!

Ҳар бири қалбга
Ҳудудсиз ҳодисот бахш этиб кетди.
Йигирманчи аср ҳозир тугайди!
Вақтга ҳайкал қўймоқ пайти ҳам етди.

Хайр, шаҳарларим!
Тақдирларим, хайр!
Гулханларим, хайр!
Адирларим, хайр!
Ўсмир севинчларим,

оғриқларим, хайр!

Севгидан юраги доғликларим, хайр!
Бари ўтяпти,
Бори ўтяпти.
Кимнингдир биринчи қорию
Қалбнинг баҳори ўтяпти.
Опа-сингилларим, Сиз омон бўлинг!
Топган кўнгилларим, Сиз омон бўлинг!
Дилбедорлар, Сиз омон бўлинг!
Дўсту ёрлар, Сиз омон бўлинг!

Доим Ҳаёт томон,
Дард томон бўлинг!

Менинг кўз олдимда Вақт турар фақат —
Бутун Инсоният шаклидаги Вақт.

МУНДАРИЖА

Нутқ	3
Инқилоб гулханлари	4
«Мен дунёга номимни...»	6
Владимир Висоцкий	7
Муин Бсису монологи	8
Австриёда янги йил	9
«Газеталар бўронида...»	10
«Воқеалар чинқиради...»	11
Тўполон сув омбори қурилишидан репортаж	13
Хоразмга бораман	17
Ахборот қироли	18
Меҳмон	19
Шукуҳ	21
Марсия	22
«Файзулраҳмон — афғон боласи»	23
Ҳайронбор	24
Қозоғистон	25
Хадича — чўпоннинг хотини	26
Аҳмад Муродовичнинг Ватанни йўқотиб қўйиши ҳақида баллада	27
«Тескарига оққан дарёлар қайтди...»	28
Уйқуда айтган шеърим	29
Думалоқ шеър	30
Саратон	30
«На дўстлик, на севги...»	31
«Йигирма етти йил...»	31
Шоир	32
Ояр Ваццетисга кечиккан мактуб	34
«Биродар...»	35
Аҳмад Зоҳир нидоси	36
СЕН (туркум)	
1. «Шон-шуҳратдан»	37
2. «Куртаклар кўксимда...»	38
3. «Ҳеч ким тушунмагай...»	39
4. «Сенинг нигоҳинг бор...»	40

5. «Сенинг борлигингни...»	41
6. «Ҳижронларим билагида...»	43
7. «Сен менинг саратоним...»	44
8. «Дарёларинг бир умр...»	45
9. «Мен сени асрайман...»	45
10. «Сен бу муҳаббатни...»	46
Туш	47
«Манов сахро дилми...»	47
«Дунёга эътибор қилмадим...»	48
«Дилимдан менга бир...»	48
«Мен ишқ элигинг...»	49
Тун	50
«Менга жуда таниш»	50
«Жарлар сийнасида...»	51
«Яшинлар ёритган...»	51
Самарқандда	52
«Саъдий ғазалларин...»	52
Қадимий Бақтрия тупроғида	53
«Сутдай оқ саҳронинг...»	54
Паҳлавон Маҳмуд	55
«Мен ухлаб қолибман...»	55
«Саксонинчи йиллар...» (достон)	57

На узбекском языке
Сиражиддин Саидов

СТРАНА ЛЮБВИ

Стихи

Китоб иқтисод қилинган қоғоз ҳисобидан босилди.

Тақризчи М. Раҳмон

Редактор Ф. Камолова

Рассом Р. Караев

Расмлар редактори А. Мамажонов

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор О. Турдибекова

ИБ 3912

Босмахонага берилди 09.06.87. Босишга рухсат этилди 08.12.87.
Р — 03169. Формати 70x90 1/32. Босмахона қоғози № 2.
Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2.78.
Шартли кр-оттиск 2,91. Нашр л. 3,2. Тиражи 5000. Заказ
№ 24. Баҳоси, 40 т. Шартнома № 63—87. Ғафур Ғулом
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент,
Навоний кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.
702909, Аббосов кўчаси.

Саидов, Сирожиддин.

Севги мамлакати: [шеърлар]. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. — 76 б.

Еш шоир Сирожиддин Саидов инсоннинг Инсонга, Тараққиётга, Замонга муносабати, эртанги кун олдидаги бурчи ҳақида мулоҳаза юритади, лоқайдликка қарши исён кўтаради, эзгулик учун кураш шоирнинг виждон иши эканлигини чуқур англайди.

Муҳаббат мавзунда битилган шеърларида ҳам ғуқувчи унинг ўзига хос овозини осон таниб олади.

Саидов С. Страна любви: Стихи.

Ўз2.